

Аллоҳ таолодан узун орзуга берилишдан паноҳ тилаймиз



08:17 / 09.05.2020 1657

Аҳмад ибн Иброҳим Давриқий айтади: «Намоз вақти бўлди. Маъруф Кархий Абу Тавбага: «Бизга имомликка ўтиб бер» деди. У: «Ҳозир сизларга ўқиб берганим билан кейингисини ўқий олмайман», деди. Маъруф унинг кейинги намозда ҳам имом бўлиб беришини умуман ўйламаганини назарда тутиб, «Аллоҳдан узун орзуга берилишдан паноҳ тилаймиз, чунки узун орзу яхши амаллар қилишдан тўсиб қўяди», деди.

Абу Бакр Зажжождан ривоят қилинади: «Маъруф Кархий бетоб эди. Унга «Васият қилинг» дейишган эди, «Ўлсам, эгнимдаги кўйлагимни садақа қилиб юборинглар. Бу дунёга қандай яланғоч келган бўлсам, ундан шундай кийимсиз яланғоч кетмоқчиман», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан